

Карантин ҳолатида улуғлардан насиҳат



10:45 / 28.03.2020 3711

«Коронавирус ҳақиқий бир хатардир. Ундан сақланиш учун ўз уйимизда қолишимиз зарурлиги таъкидланмоқда. Мусулмон бўлиш жиҳатидан бизга нималар қилиш лозим? Бу ўринда бизга коронавируснинг ёмонлигидан кўра, яхшилик тарафини излашга ҳаракат қилишимиз лозим. Бу фурсатни ғанимат билиб, ўз уйимизда курс ва дастурни бошлаш муҳимдир. ИншаАллоҳ, натижалар яхши ва гўзал бўлади. Қуйида баъзи зарурий нарсалар сиз азизларга тақдим қилинади:

- 1) Намозларни ўз вақтида адо этиш.
- 2) Қуръони каримни кўп тиловат қилиш.
- 3) Умумий ва хусусий дуоларга аҳамият қилиш.
- 4) Тавба ва истиғфorni кўпайтириш.

- 5) Катта ва кичик барча гуноҳлардан сақланиш.
- 6) Мобиль телефондан зарурат миқдорда фойдаланиш.
- 7) Садақа қилиш.
- 8) Болаларда диний ҳисни пайдо қилишга ҳаракат қилиш.
- 9) Ўлимни эслаш.
- 10) Аллоҳ таолонинг қудратини эслаш.
- 11) Диний китобларни оилавий мутолаа қилиш.
- 12) Охиратдаги жавобгарлик ҳиссини пайдо қилишга ҳаракат қилиш».

Жомиъа Исломиёя, Дорул улум Хайдаробод, Ҳадис ва фикҳ устози,

Муфтий Муҳаммад Табрес Олам Ҳалимий Қосимий ҳафизаҳуллоҳ.

Абдулқайюм Комил таржимаси.